

Ўзбекистоннинг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси АҚШ тинчлик университетида муҳокама қилинади



18:00 / 19.07.2019 1754

Жорий йилнинг 18 июль куни Вашингтон шаҳрида Диний эркинликларни илгари суриш бўйича иккинчи вазирлар конференцияси бўлиб ўтди. АҚШ Давлат департаменти таклифига биноан Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси ушбу конференцияда иштирок этди.

Ушбу Вазирлар конференциясига Олий Мажлис Сенати раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев, Адлия вазири Русланбек Давлетов, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори Акмал Саидов ва бошқалар қатнашди.

Бундан ташқари, ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари, халқаро ташкилотлар бошлиқлари, диний раҳнамолар ва фуқаролик жамияти даражасидаги 106 мамлакатнинг 1000 дан ортиқ вакиллари ҳам иштирок этди. Қайд этиш жоизки, конференция инсон ҳуқуқлари масалалари

бўйича АҚШ Давлат департаменти тарихидаги энг йирик халқаро форум ҳисобланмоқда.

Конференциянинг асосий кун тартиби дин ва эътиқод эркинлиги риоясига қаратилди. Жумладан, форумда ТИВ Абдулазиз Комилов юртимиздаги ислохотлар ва диний эркинликни таъминлаш бўйича қабул қилинаётган чора-тадбирлар тўғрисида батафсил маълумот бериб ўтди.

Хусусан, диний таълим тизимини такомиллаштириш ва ёшларни диний руҳда тарбиялашда аёлларнинг ролини ошириш масалалари алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, АҚШнинг етакчи таҳлилий марказларидан бири – АҚШ тинчлик университетида мазкур соҳадаги ҳуқуқий ислохотлар, жумладан, янги таҳриридаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилиш режалаштирилмоқда. Бу ҳақда Ўзбекистоннинг Вашингтон шаҳридаги элчихонаси хабар беради.

Ушбу давра суҳбатида Давлат департаменти, Халқаро диний эркинлик бўйича АҚШ комиссияси (USCIRF) вакиллари, Ҳелсинки комиссияси ва бир қатор халқаро экспертлар иштирок этиши кўзда тутилмоқда.

Мазкур тадбир «Диний эркинлар орқали барқарорлик ва иқтисодий ривожланишни илгари суриш» мавзуида бўлиши режалаштирилган. Унда диний эркинларни таъминлаш масалалари муҳокама қилинади.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Вазирлар конференциясида илк маротаба Ўзбекистон делегацияси 2018 йили иштирок этган.

Islom.uz портали таҳририяти